

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“Тасдиқлайман”
Малака ошириш тармоқ маркази
директори
Доц. Баймаков С.Р.**

_____ “ ” _____ 2015 йил

**“Тиббий биологик фанларни ўқитишда ўқув услубий
таъминот” МОДУЛИ БУЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

ТУЗУВЧИ:

ДОЦ. О.Т.АЛЯВИЯ

ТОШКЕНТ – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
КАЛЕНДАР РЕЖА.....	10
МАЪРУЗА МАТНИ.....	13
1-Мавзу. Тиббий биологик фанларда ўқув мақсадларига тўла эришиш учун талабаларни эффектив билим фаолиятини ташкил этиш.....	13
2-Мавзу. Тиббий биологик фанларда ўқитишнинг кўп функционал вазибалари билан боғлиқ бўлган технологияларни жорий этиш.....	17
ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....	23
ГЛОССАРИЙ.....	28

ИШЧИ ДАСТУР

Мақсади: Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг педагогик касбий билим ва кўникмаларини Давлат талаблари асосида чуқурлаштириш, янгилаш ва замон талабларига мослаштириш. Тингловчиларини тиббиётнинг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

Вазифалари:

- педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиш жараёнинини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг педагогик муаммоларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Тиббий биологик фанларни ўқитишда ўқув услубий таъминот” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш малакаларига эга бўлиши зарур.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Тиббиёт фанларнинг дидактик таъминоти”, “Тиббиёт фанларни ўқитишда инновациялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жами	жумладан			
				Назай	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Тиббий биологик фанларда ўқув мақсадларига тўла эришиш учун талабаларни эффектив билим фаолиятини ташкил этиш.	2	2	2			
2.	Тиббий биологик фанларда ўқитишнинг кўп функционал вазифалари билан боғлиқ бўлган технологияларни жорий этиш.	2	2	2			
3.	Мультимедиа амалий машғулотлар. Ўқитишнинг янги технологиялари. График органайзерлар.	4	4		4		
4.	Ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш	4	4		4		

5.	<p>Тингловчи мустақил ишни муайян модуллер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - фаннинг амалий машғулот мавзуси бўйича ўқитиш технологияларини методик тавсияномаларини яратиш. - ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуллер таркибларини ўрганиш; - тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш; - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш; - ўз-ўзини касбий ривожлантириш; 	4					4
	Жами:	16	12	4	8		4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Тиббий биологик фанларда ўқув мақсадларига тўла эришиш учун талабаларни эффектив билим фаолиятини ташкил этиш (2 соат)

Режа:

1. Назорат турлари, уларнинг ахамияти
2. Назоратни баҳолаш мезонлари
3. Амалий кўникмаларни ўзлаштириш ва уларни текшириш технологиялари
4. Билим фаолиятини ташкил этишда назоратни ахамияти

Тиббиёт олийгохлари ўқитувчиларининг юқори профессионалликка эга бўлиши талабалар билимини назорат қилиш технологияларига юқори даражада эга бўлишига ва уни ўтказишнинг педагогик асосларини яхши билишига боғлиқ.

2-мавзу. Тиббий биологик фанларда ўқитишнинг кўп функционал вазифалари билан боғлиқ бўлган технологияларни жорий этиш (2соат)

Режа:

1. Тиббий таълимнинг асосий вазифалари
2. Кўп функционал вазифали технологиялар ҳақида тушунча
3. Дискуссия, унинг специфик хусусиятлари

4. Дискуссия ўтказиш қоидалари

Ўқув жараёнининг оптимизациясини давом эттиришда илмий мақсадларига, ўқитиш шаклларининг таркиби, усули, ўқитиш воситаларига ва шахсни тарбиялашни ривожлантиришда илм ютуқларига, техник ва илғор технологияларга таянган холда олиб борилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Мультимедиа амалий машғулотлар. Ўқитишнинг янги технологиялари. График органайзерлар (4 соат)

Режа:

1. Нормал физиология кафедрасида кўлланадиган 10 та амалий машғулотнинг “амалиёт физиологияси”
2. “Віорас student lab” дастур бўйича ўтказиладиган 13 та амалий машғулотни кўрсатиш ва намоиш қилиш.

Интерфаол таълимни ташкил этиш: илғор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш. 17 та клиник физиология машғулотлари бўйича талабалар учун “Амалий ўқув комплекси” номли ўқув дастурли “Віорас” аппарати. Замонавий клиник асбоблар: пульсоксиметр, тредмил, аудиометр, капиллярскоп, ПОЗБ, бинокуляр микроскоп, электротермометрларни намоиш қилиш. Вазифаларни кўпфункционаллиги билан боғлиқ бўлган ўқитиш усуллари (клиник аудит дискуссия, кўникмаларни ўзлаштириш).

2-мавзу. Ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш (4 соат)

Режа:

1. Кафедранинг ўқув услубий комплекси ва унинг таркиби билан таништириш.

2. Услубий материаллар турларини: Умумий, маърузалар амалиёт дарслар мустақил иш учун тайёрланган методик тавсияномалар, қўлланмалари намоиш қилиш.
3. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришда қўлланадиган замонавий ўқитиш усуллари, ўқитиш жараёнини фаоллаштириш усуллари билан таништириш.

Ўқув жараёнини ташкил қилиш, ДТС, УАШ, квалификациян тавсифномаси ва ўқув жараёнида талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларини юзага чиқарувчи маълумотларни сақлаган, уни амалга ошириш лойихаси кўрсатилган, ўзлаштириш жараёнини назорат қилиш имкониятини таъминлайдиган, ахборот-методик таъминоти кўрсатилган талабалар учун ўқув манба – ўқув услубий мажмуаси билан таништириш.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

- Фаннинг амалий машғулоти мавзуси бўйича ўқитиш технологияларини методик тавсияномаларини яратиш.
- Тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш.
- Автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш.
- Ўз-ўзини касбий ривожлантириш.
- Дарслик ва электрон ўқув-ресурслари, тарқатма материаллардан мустақил фойдаланиш.
- Тингловчининг ўзи ўқитаётган фани бўйича электрон дидактик манбаларни яратиш.
- Шахсий сайтни яратиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. - Т: 2000. № 69-II.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик Кодекси”. ЎзР Олий Мажлисининг 29.08.96 й. 257-I-сон Қарорига мувофиқ 1 март 1997 й. эътиборан амалга киритилган.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т.: Адолат, 2004. № 3
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури. 2012 йил 27 февраль.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1761-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1761-сон қарори)” 243-сонли қарори.
9. Каримов И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012
10. Азизходжаева Н.Н. Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
11. Алявия О.Т, Яковенко В.И., Усманов Р., Скосырева О.В. Современные интерактивные методы обучения и контроля знаний студентов в подготовке врача общей практики. Ташкент, 2004. – 48 с.
12. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Деловые игры в учебном процессе кафедры норм.физиологии. Ташкент, 2003. - 36 с.
13. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Положение о проведении OSCE и контрольные задания к нему для студентов отделения «Высшее медсестринское дело»//ж-л «Высшее медсестринское дело», Санкт-Петербург, 2003. - С.28-30.
14. Атаханов Ш.Э. Требование к составлению рабочей учебной программы (бакалавриат). Метод.указания. Ташкент, 2003.- 31 с.
15. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход: Метод. пособие.—М.: Высш. шк., 1991.—207 с
16. Габрусевич С.А., Зорин Г.А. От деловой игры — к профессиональному творчеству: Учеб.-метод, пособие.— Минск.: Университетское изд., 1989.— 125 с.

17. Гадаев А.Г., Будкова Е.А. Объективно-структурированный метод оценки клинических знаний студентов. Метод. рекомендации. Ташкент, 2001.- 21 с.
18. Гинзбург Я.С., Коряк Н.М. Социально-психологическое сопровождение деловых игр // Игровое моделирование: Методология и практика.- Новосибирск: Наука, 1987.- С. 61-77.
19. Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий: /Серия «Современные технологии обучения». Издание 2-е, исправленное и дополненное. Учебно-методическое пособие для тренинга. - Ташкент. ТГЭУ, 2010.- 151с.
20. Даминов Т.О., Гадаев А.Г. Современные методы обучения и контроля знаний в подготовке ВОП. Методическое пособие. Ташкент, 2002. - 49 с.
21. Дианкина М.С. Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы. М., 2002. – С. 218 – 224.
22. Жук А.И., Кашель Н.Н. Деятельностный подход в повышении квалификации: активные методы обучения.— Минск.: Институт повышения квалификации и переподготовки руководящих работников и специалистов образования, 1994.— 96 с.
23. Иноятходжаев Х.У., Иноятходжаев Ж.Ш. Виды электронных учебников, методы и технологии их создания.// Материалы респ. науч.- конф. – Ташкент, 2004.- С.62-63.
24. Каримов Х.Я. Новые педагогические технологии в подготовке ВОП. Метод. рекомендации, Ташкент, 2001.,- .39с.
25. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе, М., Знание, 1989. - 75 с.
26. Комаров В.Ф. Управленческие имитационные игры.— Новосибирск: Наука. Сибирское отделение, 1989.— 272 с.
27. Корнеева Л.И. Современные интерактивные методы обучения в системе повышения квалификации: зарубежный опыт. Университетское управление: практика и анализ. М, 2004; 4 (32). – с. 78-83.
28. Красовский Ю.Д. Мир деловой игры:— М.: Экономика, 1989.— 175 с.
29. Муминов Т.А., Даулетбакова М.И. Инновационные технологии в образовательном процессе медицинских ВУЗов. Алматы, 2003. – 144 с.
30. Назарова Т.С. Педагогические технологии: новый этап эволюции?// Педагогика, 1997, №3.,- С.20-26.
31. Платов В.Я. Деловые игры: разработка, организация и проведение: Учебник.— М.: Профиздат, 1991.-156 с.
32. Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования., М., 2000. – 28 с.
33. Проектирование и планирование педагогических технологий в медицине Учебно-методическое пособие под редакцией проф. Тешаева О.Р. Ташкент.: ТМА, 2010. – 139 с.
34. Психология. Словарь / Под общ. ред. А.В. Петровского, М.Г. Ярошевского.— 2-е изд., испр. и доп.— М.: Политиздат, 1990.— 494 с.
35. Смит Я., Фарберман Б. Объективная оценка качества усвоения знаний учащихся и студентов - Ташкент, 1999. - 150 с.

- 36.Смолкин А.М. Методы активного обучения: Науч.-метод, пособие.— М.: Высш. Школа, 1991.—176 с.
- 37.Современные технологии обучения. Итоги и перспективы. /Материалы практ. учебно-метод.конф. I ТашГосМИ и РГМУ, 7-9.01.03г., Ташкент, 2003.-103с.
- 38.Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Матер.теоретич.семинара, 8-9 апреля 1999г. Ташкент, 1999. - С.82.
- 39.Фарберман Б.Л. Основы критического мышления: Ташкент, 2002, 33 с.
- 40.Халматова Б.Т., Информационные технологии и другие новации в организации учебного процесса в медицинском вузе. Ташкент, 2008. – С. 209-210.
- 41.Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Д.П.Хашимова. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие для студентов. Издание 2-е, дополненное и исправленное. Ташкент, ТГЭУ, 2010. - 115 с.
- 42.Хруцкий Е.А. Организация проведения деловых игр: Учеб. пособие для преподавателей средних спец. учеб. заведений.- М.: Высш. шк., 1991.- 320 с.
- 43.Алявия О.Т., Яковенко В.И. Учебное – методическое пособие «Современные образовательные технологии в учебном процессе по дисциплине нормальная физиология»,
- 44.Т., 2011, 47 с.
- 45.О.Т. Alaviya, V.I. Yakovenko, M.U. Shayusupova Modern educational Technology in education for the discipline Normal physiology. Educational-methodical, Handbook, 2013 T., 47 p.p.

Интернет сайтлари

Сайты Интернет по физиологии:<http://www.normphys.chat.ru/metodich.html>; http://www.physiology.ru/price_list.html; http://www.physiology.ru/hb_main.html; http://www.physiology.ru/hb_electron.html.

Календар режа

№	Мавзулар	Машғулоти тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Тиббий биологик фанларда ўқув мақсадларига тўла эришиш учун талабаларни эффектив билим фаолиятини ташкил этиш.	маъруза	2	ойнинг биринчи ҳафтаси
2.	Тиббий биологик фанларда ўқитишнинг кўп функционал вазифалари билан боғлиқ бўлган технологияларни жорий этиш.	маъруза	2	ойнинг иккинчи ҳафтаси
3.	Мультимедиа амалий машғулотлар.	амалий	4	ойнинг

	Ўқитишнинг янги технологиялари. График органайзерлар.			учинчи ҳафтаси
4.	Ўқув жараёнини юқори сифатли таъминлаш учун кафедранинг ўқув – услубий комплекси билан танишиш	амалий	4	ойнинг тўртинчи ҳафтаси

МАЪРУЗА МАТНИ

1-Мавзу: Тиббий биологик фанларда ўқув мақсадларига тўла эришиш учун талабаларни эффектив билим фаолиятини ташкил этиш.

Режа:

1. Назорат турлари, уларнинг ахамияти
2. Назоратни баҳолаш мезонлари
3. Амалий кўникмаларни ўзлаштириш ва уларни текшириш технологиялари
4. Билим фаолиятини ташкил этишда назоратни ахамияти

Таянч иборалар: *жорий назорат, оралиқ назорат, якуний назорат, амалий кўникма, OSCE, реферат, мотивация, мустақил иш.*

Тиббиёт олийгохлари ўқитувчиларининг юқори профессионалликка эга бўлиши талабалар билимини назорат қилиш технологияларига юқори даражада эга бўлишига ва уни ўтказишнинг педагогик асосларини яхши билишига боғлиқ.

Назорат бу ўқув жараёнини энг асосий қисмларидан бири ҳисобланади. У ҳар хил шаклда амалга оширилади: оғзаки, ёзма, тест, OSCE ва комбинацияланган. Унинг принциплари: системалилиги, мунтазамлилиги, талабаларни жалб этилишининг оммавийлиги, баҳони объективлиги, назорат тартибларини стандартизациясидир.

Назоратнинг асосий турлари:

- Даствлабки (базис)
- Жорий
- Оралиқ
- Якуний
- Кейинга қолдирилган

Даствлабки назорат

Биринчи амалий машғулотда ўтказилади. У даствлабки билимларни аниқлаш учун керак бўлиб, бу талаба тайёргарлигининг даствлабки

даражасини аниқлаш учун зарурдир. Уни ёзма ўтказиш мумкин бўлиб, бу талабанинг аввалги ўтган фанларидан, шунингдек бўлажак шифокорлар учун аҳамиятга эга бўлган умумтаълим фанлардан 15-20 та саволлар ёрдамида амалга оширилади.

Жорий назорат

У қуйидаги вазифаларни бажаради:

-*мотивацион* - талабани билимга эга бўлишига рағбатлантириш.

-*баҳолаш функцияси* - ўзлаштириш даражасини аниқлаш.

Баҳо - талабанинг машғулотга тайёрланиш назорати, топшириқларни бажариш сифати ва амалий кўникмаларни бажариш йиғиндисидан иборат. Жорий назорат вақти чеклангани учун унинг хронометражига аниқ риоя қилиниши керак. Жорий назорат маълум баҳо билан тугайди. Баҳони машғулотнинг охирида талабаларга эълон қилиб, жарида ва ўзлаштириш экранига қўйиш керак.

Оралиқ назорат

Бир нечта бўлимларни ўтгандан кейин, материалларни ўзлаштириш жараёни даражасини аниқлашга имкон яратади. У тўпланган баҳони белгилайди ва якуний баҳо асоси хисобланади.

Якуний назорат

Бутун фанга тегишли бўлиб, у қуйидаги этаплардан ташкил топган:

1. Билимларни аниқлаш.

2. Билимларни баҳолаш.

3. Рейтингни қўйиш.

Кейинга қолдирилган

Вертикал интеграл (фанлараро) имтихонга ёки талабаларни якуний давлат аттестациясига фаннинг мазмун элементлари киритилади.

Фан бўйича билимни, кўникмаларни бажара билишни баҳолашни мезонлари ва рейтинг назорати.

Талабанинг тайёргарлиги сифатини асосий мезони бўлиб унинг рейтинги хисобланади. У жорий баҳолашдан, оралиқ ва якуний назорат баҳоларидан ташкил топган. Фан бўйича 100 балл қуйидагича тахсимланади:

№	Нazorat тури	Максимал балл	Коэффициент	Саралаш балли
1.	Жорий назорат ТМИ билан	50	0,5	27,5
2.	Оралиқ назорат	20	0,2	11,0
3.	Якуний назорат	30	0,3	16,5
	Жами	100	1	55,0

Оралиқ назорат.

Семестрда I маротаба 100 балл тизими бўйича ўтказилади. Ўтилган бир неча бўлимларни ўз ичига олади. ОНга маъруза ва амалий машғулотлардан қарзи бўлмаган талабалар қўйилади. Масалан, нормал физиология фани мисолида. I ОН умумий физиология бўлимлари бўйича ўтказилади. III семестрда IV семестрда хусусий физиология бўлимлари

бўйича ўтказилади. ОН ёзма ўтказилади. Талабаларга I ОНда 12 та, II ОНда 10та топшириқдан иборат билетлар варианти берилади. Ҳар бир ОН учун 100 балл белгиланган 55 баллдан ками – қониқарсиз баҳо. Қайта топшириш коэффицентсиз .

Ҳар бир ОН билети қуйидаги назорат топшириқларидан иборат:

• Асосий физиологик тушунчалар, функциялар ва хоссаларни ифодалаб бериш;

• Организмнинг биологик суюқликларини таркибини ёзиш;

• Ҳар хил физиологик эгри чизиқларни, схемаларни чизиш;

• Ҳар хил қийинлик даражасидаги тестларни ечиш;

• Хоссаларни, аломатларни, функцияларни мослигини топиш, топшириқларни ечиш;

• Физиологик вазият (ситуацион) масалаларни ечиш;

• Физиологик парметрларни хисоблаш формулаларини ёзиш;

• Амалий кўникмаларни бажарилишини ёзиш.

Назорат топшириқлар тўплами шундай тузулганки, улар 40% назарий саволлар, 30% аналитик ва 30% амалий кўникмаларни ўзлаштириш топшириқларидан иборат. ОН дан бир хафтадан кейин баҳолар эълон қилинади. Ўқитиш жараёнида ва талабалар билимини назорат қилишда амалий кўникмаларни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Кафедраларда буни амалга ошириш учун тўла методик ва аппаратлар билан таъминот бўлиши керак. Биринчи машғулотда фан бўйича амалий кўникмалар рўйхати ва уларни қадам-бақадам бажарилиш методик тавсияномаларни электрон вариантлари талабаларга бериш керак. Бизнинг кафедрамизда амалий кўникмаларни яхши ўзлаштириш учун уларни бажарилиши такрорланади ҳар хил технологияларни қўлланилиши туфайли . Масалан, “электрокардиографияни ёзиш ва анализ қилиш” амалий кўникмани ўзлаштиришда “Амалиёт физиологияси” мультимедиа дастури, электрокардиография видеофилми, “Biopac student Lab” мультимедиа дастури, электрокардиограф, тайёр электрокардиография қайд қилинган тарқатма материаллардан фойдаланилади. Жорий назоратга талабанинг мустақил иши ҳам киради.

Талабанинг мустақил ишини баҳоси амалий машғулотда 10 баллик тизм бўйича баҳолаш мезонига асосланиб қўйилади. У жорий баҳога қўшилади. Кафедрада ишлаб чиқилган ва тасдиқланган шакл бўйича ўқитувчига топширилади. Кафедра фан бўйича ҳар бир факультет учун ўқув йилига талабанинг мустақил ишини бажариш вариантларини режалаштириш керак. Йилнинг бошида талабанинг мустақил ишларини турлари, топшириқлари, мавзулар рўйхати билан талабалар таништирилади. Талабаларга талабанинг мустақил ишнинг турини танлашга имкон берилдади.

Масалан, бизнинг кафедрада талабанинг мустақил ишини 13 та тури режалаштирилган. Бугунги кунда энг кенг қўлланиладиганлари:

Информацияни электрон ташувчилари билан ишлаш (интернет, электрон ўқув қўлланмалар), презентациялар, анимациялар, докладлар. Тарқатма

материалларни (жадвал, схема, чизма, график, органайзерлар) шаклида ишлаб чиқиб, расмийлаштирган ҳолатда топшириш, машғулотлар мавзуси бўйича кроссвордлар тузиш, инглиз тилида презентациялар қилиш.

Яқуний назорат.

Фан бўйича машғулотлар тугашидан кейин ўтказилади. Унга фанни муваффақиятли тугатган, жорий машғулотлардан ва оралиқ назоратлардан ижобий баҳо олган талабалар қўйилади. Яқуний назоратни тури илмий кенгашда тасдиқланади. Бизнинг фанмиз бўйича кафедрада OSCE ва тест марказида тестлаш усули билан ўтказилади яқуний назорат 100 баллик тизим билан баҳоланади. Низомга мувофиқ яқуний назоратга 30% балл ажратилади (коэффициент 0,3) улардан 15% OSCE га 15% тестга.

Кафедрада яқуний назорат 2 этапда ўтказилади.

1. Амалий кўникмаларни баҳолаш.

2. Назарий билимни баҳолаш ёзма

Амалий кўникмаларни баҳолаш оғзаки ўтказилади. Ҳар бир талаба 7 та станцияда кўникмаларни ўзлаштиришни бажариб кўрсатади. Бу назорат турига 70 балл ажратилади. Ҳар бир станциянинг максимал балли 10. Олинган натижалар махсус бланкда қайд қилинади. Кўникмани қабул қилган ўқитувчи бланкда баллини қўйиб имзо қўйди.

OSE Амалий кўникмаларни баҳолаш

№	Станция номи	Натижа	Баҳо	Ўқитувчининг Ф.И., имзо
1	Қон анализи			
2	АБ ни ўлчаш			
3	Соғлом одамда ЭКГ анализи			
4	Спирометрия			
5	Пай рефлексларини аниқлаш			
6	Кўз ўткирлигини аниқлаш			
7	Кўриш майдонини аниқлаш			
	Жами:			

Амалий кўникмани топширгандан кейин назарий билим топширилади, унга 80 балл ажратилади. Талаба 8 та саволли билет олади ва жавобларни махсус бланкда ёзади.

Топшириқлар рўйхати:

- Физиологик тушунчага таъриф беринг
- Функцияларини, хоссаларини санаб ўтинг
- Вазият масалани ечинг
- Эгри чизиқ, схемани чизинг
- Организим суюқлигини таркибини айтинг

- Физиологик параметрларни аниқлаш учун формулани ёзинг
- Физиологик константларни ёзинг
- Қон анализида нормага мос келмаслигини кўрсатинг.

**Талабанинг билмини якуний назорат килиш учун
OSCE ХАРИТАСИ**

Талабанинг исми шарифи _____ гуруҳ № ____, фак
Якуний назоратни ўтказиш санаси _____ ВАРИАНТ
№

№ станц.	Жавоб	балл.	№ станц.	Жавоб	б алл.
1	Тушунчага таъриф беринг:		5	Таркибини айтинг:	
2	Функцияларини (хоссаларини) санаб утинг :		6	Аниқлаш учун формулани ёзинг:	
3	Вазиятли масалани ечинг:		7	Константаларни ёзинг:	
4	Физиологик эгри чизикни чизинг ва унинг қисмларини изоҳланг :		8	Қон анализининг мос бўлмаслиги:	

Я.Н.ни утказиш буйича жавобгар муаллимнинг имзоси:
_____ Талаба имзоси _____

Умумий балл _____

Кафедра мудирини _____

Ҳар бир тўла жавобга 10, тўла эмасига 5, нотўғрисига 0 балл ажратилади. Рейтинг 80 баллни ташкил қилади. Кафедрада якуний назорат баҳосини максимал йиғиндиси 150 баллни ташкил қилади (коэф – 10).

Жами бўлиб якуний назоратга фан бўйича 30 балл ажратилади нисбат 50% га 50% . кафедрада ва тест марказида тестлашга якуний назорат баҳоси 2та назорат турининг баҳоларининг йиғиндисидан иборат. Талабалар билимини ва кўникмаларини ўзлаштиришни янги баҳолаш усулларини, ҳамма назорат турларини, ўқитиш воситаларини янги технологияларини киритишни қўллаш ўқитиш эффективлигини оширади.

Талабалар Давлат аттестациясида юқори билимларни, кўникмаларни эгаллаганликларини кўрсатсалар бу профессор ўқитувчиларни меҳнатига юқори баҳо бўлиб ҳисобланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Кафедранинг ўқув - услубий комплекси ва унинг таркиби?
2. Методик материалларнинг турлари?
3. Кафедрада мустақил ишни ташкил қилиниши?
4. Амалий машғулотлар ўтказиш учун янги технологиялар структураси?
5. Амалий кўникмаларни қадам-бақадам бажарилиш учун методик тавсияномалар структураси?
6. Жорий, оралик ва якуний назорат ўтказиш мезонлари?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азизходжаева Н.Н. Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
2. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход: Метод. пособие.—М.: Высш. шк., 1991.—207 с
3. Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий: /Серия «Современные технологии обучения». Издание 2-е, исправленное и дополненное. Учебно-методическое пособие для тренинга. - Ташкент. ТГЭУ, 2010.- 151с.
4. Дианкина М.С. Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы. М., 2002. – С. 218 – 224.

2-Мавзу: Тиббий биологик фанларда ўқитишнинг кўп функционал вазифалари билан боғлиқ бўлган технологияларни жорий этиш

Режа:

1. Тиббий таълимнинг асосий вазифалари
2. Кўп функционал вазифали технологиялар ҳақида тушунча
3. Дискуссия, унинг специфик хусусиятлари
4. Дискуссия ўтказиш қоидалари

Таянч иборалар: *дискуссия, иш уйинлари, ички секреция безлари, экскреция, терморегуляция, энергия алмашинуви.*

Ўзбекистон тиббий олий ўқув юртларида УАШ ни замонавий тайёрлаш даври таълим тизимининг ислохатини чуқурлаштирилиши, ўқув машғулотларининг фаол формаларини киритилиши билан характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педогогик технологияларни ўзлаштириш ва киритиш зарурлиги белгиланган.

Ўқув жараёнининг оптимизациясини давом эттиришда илмий мақсадларига, ўқитиш шакллари таркиби, усули, ўқитиш воситаларига ва шахсни тарбиялашни ривожлантиришда илм ютуқларига, техник ва илғор технологияларга таянган ҳолда олиб борилади.

Тиббий таълимнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, талабаларни мантикий фикрлашларга ўзини нуқтаи назарини асослаб химоя қилишга, ўзини ҳар хил профессионал ва ҳаётий вазиятларда оптимал ечимни топишга, ўзини касбдошлари билан суҳбатини саводли тузишга, ўзини фикрини аниқ баён қилишга, оппонентларни ўз томонига ўтказиш учун уларга эмпотионал тус беришга йўналтирилган. Ўқиш жараёнида ўқув дискуссияларни ташкил этиб бу масалаларни муваффақиятли ечиш мумкин. Анъанали “дискуссия” тушунчасига фикр алмашинувининг ҳамма шакли тушунилади. Буни тажрибада кўриш мумкин. Фикр алмашмасдан, музокарасиз, бахслашувсиз жамият, одамни профессионал тараққиёти ривожланмайди. Дискуссия коллектив музокара сифатида ҳар хил характерга эга бўлиши мумкин. Бу ўрганилаётган жараёнга, унинг муаммоларига боғлиқ. Илмий педагогик адабиётда, амалиётда дискуссия универсал кўринишда кўрилади, буни битта соҳадан иккинчи соҳага ўзгартирмасдан ўтказиш мумкин. Масалан, илим соҳасидан касбий педагогикага.

Ўқув дискуссияси бошқа дискуссиялардан фарқ қилади. Унинг янгилик масаласи фақат шу дискуссияда қатнашадиган гуруҳга тегишли. Бу муаммо илимда топилади, буни аудиторияда ўқув жараёнида топиш керак. Дискуссияни уюштирадиган педагогга натижа маълум. Бу ерда мақсад изланишлар натижасида дискуссия қатнашувчиларни янги билимга эга бўлиши. Бу изланишлар педагог режалаштирган топшириққа йўналтиради, бу муаммони ечим изланишлари педагог ёрдамида бошқарилса у амалга ошади.

Дискуссияда педагогни қатнашиши 2 та характерга эга:

1. Ўрганувчилар орасида ўзаро муносабатни дўстона, самимий бўлиши, педагог дискуссияни бошқариши, коммуникатив бўлиши.

2. Педагог хулосаларни тўғри бўлишини таъминлаши.

Оптималь ташкиллаштирилган ва ўтказилган ўқув дискуссиясини асосий специфик хусусиятлари

Ташкиловчи педагогнинг берилган муаммо бўйича юқори даражада омилкорлик бўлиши керак. Дискуссияни ёш педагог ўтказганда унга методик ёрдам бериш, методик тавсияномалардан фойдаланиши керак, бунинг учун кафедра методик тавсияномани ишлаб чиқиши, унда бутун машғулотнинг материалларини, уни ўтказиш тартибини натижаларни баҳолаш мезонларини келтириш керак. Бунда берилган мавзу бўйича тахминий саволлар тўпламини берилиши лозим.

Ташкилотчи педагогнинг жиддий услубий таёрланганлиги муаммони ечилишини юқори даражадалиги, ўқув дискуссияни мақсади ва натижалари бўлиб, ўрганувчиларни ҳақиқий билимни юқори даражада ўзлаштиришига, уларда диалектик фикрлашни ривожланиши таъминлайди.

Ҳақиқий билим манбаи турли-туман. Конкрет вазиятга мувофиқ ўқувчилар ёки педагог ёрдамида ҳақиқий билимни аниқлайдилар. Бу усул дискуссия қатнашчиларини тажрибасини тўла, максимал фойдаланишга, материални яхши ўзлаштиришга имкон яратади.

Гуруҳ дискуссиясида ўқитувчи нима тўғрилиги ҳақида гапирмайди, ўқувчилар ўзи тўғрилигини топади, ўзини тажрибасини ва билимларини ишлатиб, далиллар топади.

Дискуссия усули кўпфункционал педагогик усул сифатида машғулот ўтказиш учун тавсия этилади. Мураккаб, катта ҳажимдаги назарий материалга эга бўлган машғулотларда қўлланади.

Педагогик назарияларга кўра умумий кўникмага киради. Асосийларни ажратишга, фактларни солиштиришга, далилли хулосалар қилишга, яқунловчи фикрлашга имкон яратади.

Дискуссия ўтказиши учун методик тавсиянома

1. Талабалар дискуссия ўтказиш ҳақида олдиндан огоҳлантирилади. Мавзу айтилади.

2. Бир нечта доклад қилувчилар белгиланади, мавзунини айрим фрагментлари (3- 4) бўйича 15 дақиқадан доқлар қилади.

3. Оппонентлар танланади, улар берилган мавзулар бўйича тайёрланади, тўлдириш ва танқидий баҳолаш учун.

4. Докладчик ва оппонентларга ҳамма талабалар саволлар, шулар қаторида, чигал мураккаб саволлар тайёрлайдилар.

5. Дискуссия юқорида кўрсатилган қоида бўйича ўтказилади.

«Дискуссия усули» билан амалий

машғулотни ўтказишга методик тавсиянома

Дискуссия дарсни кўп функционал педагогик усул сифатида ўтказиш учун тавсия қилинган. Мураккаб ва маъноси бўйича катта назарий материални уз ичига олмоғи керак, масалан: «Ички секреция безлари» - 1

дарс, «Экскреция» - 1 дарс, «Терморегуляция» - 1 дарс. Педагогик назарияга биноан дискуссияга катнашиш умумий мохирликка киради, буларни маълум илм соҳасига киритилмайди. Шу вақтнинг ичида асосийини ажратиб курсатиш, фактларни солиштириш, фикрлаш ва далил асосида хулоса килиш, яъни дискуссия натижаларини курсатувчи натижалар билиш эпчиллигини курсатади. Худди шундай жихат бу уқитиш усулини хоҳлаган дарс турларида ва ҳар хил тараккиётларда – социал-гуманитар, тиббий-профилактик, тиббий-биологик ва шубҳасиз клиник куллаш мумкин.

Дискуссияда айрим қоидаларга риоя қилиш керак

1. Дискуссия-конфликтни эмас, муаммони ечишга йунатилган.
2. Узок гапирма, регламентга риоя қил.
3. Фақат мавзу бўйича гапириш керак.
4. Оппонент позициясини тўғри тушун, уни бузиб курсатма.
5. Оппонентни охиригача диққат билан эшит.
6. Дискуссиядаги рақиб ҳаётдаги рақиб эмас.
Уз хатоинга иқроқ булишига тайер булишинг керак.
7. Агар оппонент билан рози булмасанг фақат уни позициясига (мавқесига) критик баҳо бермасдан бошқа ечимни ҳам таклиф эт.

Дискуссия ўтказиш этаплари

1. Муҳокаманинг бошланиши – муҳокама мавзусини танлаш, зарур булган саволни курсатиш.
2. Мавзунини тушунтириш, муаммонинг энг муҳим саволларини курсатиш.
3. Аниқ масалаларни қуйиш, мавзу бўйича бировни фикрини баён қилиш, илгариги уринишларни ечилишини таърифлаш.
4. Музокара олиб бориш мақсадга олиб борадиган асосий йуналишдан четга чиқмоқни талаб қилади.
Дискуссия таклиф этади:
 - «Аъло» еки «емон» баҳолардан конкрет ҳақиқий масалаларга утиш.
 - Катнашчилар конфронтациясига олиб борадиган ортикча хиссиётларни амалга оширилишининг олдини олиш
 - Катнашчилардан биттасини муҳокама – монополизациясини олдини олиш
 - Дискуссияни аниқ етакчисини эксперт қилиб тайинлаб нейтралзация қилиш керак
 - Яқунлаштиришни этап билан бериш керак, дискуссия боришини таҳлил қилиш керак (ўқитувчи)
 - Олинган информацияни кейинчалик ишлатиш учун яроқли шаклда езиб олиш керак (баеннома еки магнитофон езуви).
5. Муҳокама ўтказиш яқунларига таклифлар.
 - Дискуссиянинг асосий босқичларини ва қилинган хулосаларни муҳокама қилиш.

- Кейинги муаммоларни ечиш учун дискуссия ахамиятини мухокама қилиб, катнашчиларининг индивидуал таассуротларини яқунлаш.
 - Дискуссияда эшитилган янгиликларни (фактлар, улар изохини бериш, узаро алоқадорлиги в.х.к.) таъкидлаш.
 - Эришган муваффақиятларини белгилаб, гуруҳ аъзоларига катнашганликлари ва ҳамкорликлари учун миннатдорчилик билдириш керак.
 - Катнашган даражасига мувофик балл куйиш керак.
6. Мухокама натижаларини баҳолаш, ўқитувчи учун критик уз-узини анализ

килишини курсатади:

- Мухокама тўғри режалаштирилиб ва тўғри утказилдими?
- Хамма кераклик нарса айтилдими?
- Дискуссия натижасига қушимча маълумотлар қандай таъсир қилди?
- Саволларни тушунтириш учун қим ердам берди?
- Қим саволларни тушунмади?
- Қим фойдали гояларни таклиф этди?
- Қимни мавқуи маъқул?
- Дискуссия катнашчилари муваффақиятли иш бажарганликлари натижасида энтузиазм сездиларми?

Ўқитувчи хамма бу саволларни гуруҳ билан бирга мухокама қилиши, этапма-этап, секин-секин дискуссия максадига етишиш даражасини ва унинг конкрет хулосаларини аниқлаши мумкин.

Асосийси, дискуссия натижасида унинг предмети булган муаммоли саволга тўғри ва тула жавоб топишдир. Бу тўғрилиқни дискуссиянинг хамма катнашчилари уларнинг бирламчи нуктаи-назарига қарамасдан тушуниши керак.

Жаридада дискуссия утказилганлиги қайд қилинади.

Дискуссия ўтказишга методик курсатма.

1. Дискуссия ўтказиш ҳақида талабалар олдиндан огоҳлантирилади. Умумий тема айтилади.
2. Бир нечта маърузачилар белгиланади. Улар мавзунинг алоҳида фрагментларидан (15 дақиқадан) доклад қиладилар (3-4 фрагмент) кўп булмаган вақт давомида.
3. Шу мавзулардан параллел равишда уларни тулдириш, критик баҳолаш учун тайёрланадиган оппонентлар танланади.
4. Хамма талабалар докладчилар ва оппонентлар учун саволлар, шу жумладан қалғитувчи тайёрлайдилар.
5. Дискуссия юқорида курсатилган қоидаларга қура утказилади.

«Ички секреция безлари» булимидан дискуссия
учун тавсия этилган тахминий мавзуларнинг руйҳати

 1. Ички секреция безларининг умумий харак-теристикаси, функцияларни бошқаришдаги ахамияти.
 2. Гормонларнинг умумий характеристикаси, ахамияти.
 3. Ички секреция безларини текшириш усуллари.

4. Тукима гормонлари.
5. Эндокрин функцияси кучсиз ифодаланган безлар.
6. Гипоталамо-гипофизар система.
7. Гипофизга боғлиқ булмаган безлар.
8. Мъеда ости безининг ташки-секретор ва ички-секретор функцияси.
9. Тер функциясини бошқарувчи безлар.
10. Буйракусти беги, функцияси, бошқарилиши.
11. Организмни циркад ритмлари. Эпифиз.
12. Гипоталамус, нейросекреция.
13. Организмда Ca^{++} гомеостазини бошқарувчи безлар.

«Терморегуляция» булимидан

1. Иссиқлик хосил қилиш ва ажратиш.
2. Одамнинг тана температураси, нинг бошқарилиши.
3. Терморегуляция. Истмалаш.

«Экскреция» булимидан

Сув-туз алмашинуви.

Айирув органлари ва жараенлари.

Буйрак функциялари.

Сийдик хосил қилиш механизмлари.

Нефрон, унинг қисмлари функциялари, буриб тесқари окизувчи тизим.

Сийдик хосил қилиш жараенларига гормонал таъсирлар.

Сийдик чиқариш механизмлари.

Шуни эътиборга олиш керак ўқув дискуссиялари мураккаб материалларни ўзлаштириш, керакли йўналишларни шакллантириш учун қўлланилади. Бу актив ўқитиш усули тесқари алоқани, амалиётни мустақамлашни, мотивацияни ва билимларни, кўникмаларни бир соҳадан иккинчисига ўтказишни таъминлайди.

Олий таълим ўқитувчисини замонавий инновацион фаолияти ўқув жараёнига таълим технологияларини жорий қилиш ва интерактив усулларни қўллаш билан боғлиқ.

Бугун дунёда бу ёндошишлар Давлат таълим стандартида мутахассислик бўйича квалификациян характеристикада умумий амалиёт шифокорини ўқитиш намунавий дастурида кўзда тутилган. Маълум кўникмаларни, мохирликни, тушунчаларни ўзлаштиришга академик билимларни эгаллашга мўлжалланган.

Педагогиканинг замонавий классик постулатига мувофиқ ўқитиш 4та даражага эга.

I-II даражаси репродуктив билим ёки билим нусха.

III даража мохирлик, олинган билимларни амалиётда қўллаш қобилияти.

IV даража билимни трансформацияси ёки ижод даражаси, мохирлик бу харакатнинг автоматлашган қисми.

Тиббиёт олийгоҳларида ўқитиш принципи билим ва кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган, ўқитиш технологиялари эса ўқувчиларни ақлий фаолиятини активлаштиришга, ўқув жараёнини оптималлаштиришга йўналтирилган.

Буни асоси I-II курсда тиббий биологик фанларни ўқитишда шаклланади. Тиббий таълим ўқув жараёнида амалий кўникмаларни ўзлаштиришни, ўқитишни актив усуллари кўллашни амалга ошириш натижасида талабаларни бўлажак профессионал фаолиятига яқинлаштиради.

Клиникагача бўлган ўқитишни асосий вазифаларидан бири – бирламчи шифокор мохирликни шакллантириш. Бунинг мақсади фундаментал кўникмаларни ўзлаштириш, кейинчалик шифокорлик фаолиятида бундан фойдаланиш мумкин.

Дискуссиядан ташкари фаннинг битта бўлимини ўтгандан кейин бу бўлимни назарий ва амалий қисмларини такрорлаб ўзлаштириш учун бошқа усулларни кўллаш мумкин.

Ҳар бир амалий машғулотнинг якуновчи машғулотида “Блиц” типдаги мини-оралиқ назарий иш ўйини ўтказилади. Назорат технологияси “Бўш звено” иш ўйинини ўтказиш услубига асосланган. Бу назорат шаклини ўтказилиши ҳақида талаба олдиндан огоҳлантирилади ва бу дарсга ўша бўлимда ўтказилган ҳамма дарсларнинг назарий ва амалий материалларини қайтариши керак. Бу ишни амалга ошириш учун керак: 1) бўлим бўйича саволлар тўплами, саволлар аниқ, қисқа, конкрет жавоб учун мўлжалланган бўлиши керак. Ҳар бир саволга тўғри жавоблар ҳам бўлиши керак. 2) ўйин баённомасини олиб бориш учун ажратилган гуруҳ рўйхати ёзилган бир вароқ қоғоз. 3) секундомер.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Дискуссия ўтказиш тавсияномалари?
2. Дискуссия усули билан ўтказиладиган иш ўйинлари?
3. Педагогиканинг замонавий классик постулатининг даражалари?
4. Дискуссия ўтказишдаги методик курсатмалар?
5. Таълим жараёнини оптималлаштириш усуллари?
6. Педагогик жараёнида қўлланиладиган иш ўйинлари, уларнинг турлари ва қўлланиш авзаллиги?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азизходжаева Н.Н. Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
2. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход: Метод. пособие.—М.: Высш. шк., 1991.—207 с
3. Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий: /Серия «Современные технологии обучения». Издание 2-е,

исправленное и дополненное. Учебно-методическое пособие для тренинга. - Ташкент. ТГЭУ, 2010.- 151с.

4. Дианкина М.С. Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы. М., 2002. – С. 218 – 224.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Глоссарий нима?

- A) Муайян мавзуга оид атамаларни қамраб олган кичик ҳажмли луғат;
- B) Энциклопедик луғат;
- C) Педагогик технология талаблари асосида ишланган атамалар луғати;
- D) Муайян дарслик ёки қўлланма мазмунига оид атамалар рўйхати;
- E) Барча мавзуга оид атамаларни қамраб олган катта ҳажмли луғат.

2. Ўз-ўзини тарбиялаш метод ва усулларига қуйидагилар кирди:

- A) Экстенсив, тахминий, методологик, коммуникатив, психологик, ҳамкорликдаги ижодкорлик;
- B) Ўз-ўзига кўрсатма бериш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига ҳисобот бериш;
- C) Ўз-ўзини бошқариш, талаба шахсини тушуниш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз фаолиятига ўзи баҳо бериши, муомалада ўзини кўрсата олиш;
- D) ўз фаолиятига ўзи баҳо бериши, муомалада ўзини кўрсата олиш, ўз нутқини тўғри туза олиш ва бошқалар;
- E) ўз нутқини тўғри туза олиш.

3. Дарсинг технологик харитаси нима учун хизмат қилади?

- A) Ўқитувчи ва талаба фаолияти ҳамда унга тақсимланган вақт меъёрини ҳар бир босқич бўйича тўғри белгилаш;
- B) Машғулотни меъёрида ташкил этиш;
- C) Талабалар фаолиятини фаоллаштириш;
- D) Вақт меъёрини белгилаш, билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур ҳажмни шакллантириш;
- E) Билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун.

4. Лаборатория машғулотларининг тавсифи келтирилган жавобни белгиланг:

- A) Талабалар мустақил равишда вазифаларни бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар;
- B) Тематик боғланган мунтазам курс чуқур ўрганилади;
- C) Талабалар мустақил амалий ишларни бажаради;
- D) Билимларни мустақил ўзлаштиради;
- E) Назарий билимларни мустақил ўзлаштиради.

5. Ўқитиш методикаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Бу педагогик технологияга асосланган ўқитиш усули;
- B) Хусусий дидактик ёки таълимнинг хусусий назариясини ўзида намоён этадиган педагогика фанининг тармоғидир;

- С) Бу педагогик технологияга асосланмаган ўқитиш усули;
- Д) Бу ўқитувчининг режа асосида иш юритиши;
- Е) Бу компьютер технологияга асосланган ўқитиш усули.

6. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Талабага бевосита эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш қобилияти;
- В) Талабага тўғри муомала қила олиш, уларга яқин бўлиш, улар билан педагогик самарали ҳамкорлик ўрната билиш қобилияти;
- С) Ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш;
- Д) Муомали маданиятига эга бўлиш, талабаларни тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш;
- Е) Имо- ишора воситасида ўз фикрини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти.

7. Машғулотнинг анъанавий методларини кўрсатинг?

- А) Оғзаки кўргазмали, ўз-ўзини назорат қилиш методлари;
- В) Кўргазмали, мантиқий, оммавий методлари;
- С) Оғзаки кўргазмали, оммавий, мантиқий, мустақил ишлаш, назорат методлари;
- Д) Мантиқий, ўз-ўзини назорат қилиш методлари, мустақил таълим олиш;
- Е) Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

8. Машғулот мақсади қандай йўналишларда белгиланади:

- А) 3 йўналишда: таълимий, эстетик, иқтисодий;
- В) 3 йўналишда: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи;
- С) 2 йўналишда: эстетик, таълимий;
- Д) 3 йўналишда: таълимий ва тарбиявий, ривожлантирувчи, иқтисодий;
- Е) 1 йўналишда: таълимий;

9. Ўқитиш шакллари тўлиқ берилган жавобни топинг:

- А) Маъруза, семинар, амалий, лаборатория машғулотлари, мустақил таълим, амалиёт;
- В) Машғулот, турли саёҳатлар, синфдан ташқари машғулотлар, ҳикоя;
- С) Машғулот, машғулотдан ташқари ишлар, гуруҳда ўтказиладиган машғулот шакллари;
- Д) Машғулотдан ташқари ишлар, экскурсия, синфдан ташқари машғулотлар;
- Е) Турли саёҳатлар, индивидуал машғулот шакллари.

10. Давлат таълим стандарти талаблари асосида фаолият юритиш қандай таълим муассасалари учун мажбурийдир?

- А) Давлат таълим муассасалари учун;
- В) Нодавлат таълим муассасалари учун;
- С) Ўзбекистон Республикасидаги барча таълим муассасалари учун;
- Д) Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тасарруфидаги таълим муассасалари учун;

Е) Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус таълим муассасалари учун.

11. Берилган жавоблардан авторитар шаклга тегишли жавобни аниқланг:

А) Ўқувчиларга ишонч билдиради, шахс сифати уларни ҳурмат қилади, аммо талабчанликни сусайтиради;

В) Ўқитувчи ўқувчиларни ўз ҳолига ташлаб қўяди синфни ўқитувчи эмас, ўқувчилар ўз истаганларича бошқарадилар;

С) Ўқитувчи ўқувчиларни қаттиққўллик билан уларга мустақиллик бермасдан бошқаради;

Д) Мавқеига кўра ўзаро ҳамкорликка, муросасозликка, барчанинг тенг кучли бошқарувига асосланган;

Е) Ўқувчиларга ишонч билдиради, шахс сифати уларни ҳурмат қилади.

12. Темперамент нима?

А) Психологиянинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда аниқ бажарилиши;

В) Теварак атрофдаги одамларга ва ҳаёт шароитига бўлган муносабатларининг яқка хусусиятлари намоён бўлади;

С) Одамнинг индивидуал психологик хусусиятларидан бўлиб, унинг хаяжонларида, эмоционал таассуротларида, мувозанатлилигида ва психик фаолиятининг тезлигида намоён бўлади;

Д) Одамнинг индивидуал психологик хусусиятларидан бўлиб, унинг жонлилиги ва чаққонлигида намоён бўлади;

Е) Ҳаракатнинг тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш қобилиятини ифодалайди.

13. Нутқ техникасига нималар киради?

А) Нафас олиш ва нутқ суръати;

В) Нутқнинг мантиқийлиги;

С) Товушларни тўғри талаффуз қилиш, нафасни ростлаш, ҳаракатлардаги эмоционалликни таъминлаш;

Д) Нафас олиш, овозни йўлга қўйиш, унинг товланиши, талаффузи, нутқ суръати;

Е) Нафас олиш ва чиқариш.

14. Семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида, назорат ишларини бажаришда қайси методлар гуруҳидан фойдаланилади?

А) Билимларни татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш;

В) Билимларни татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш методлари гуруҳи;

С) Малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш, билимларни татбиқ қилиш методлари гуруҳи;

Д) Ўғиткичларни шакллантириш, касбий тайёргарликни аниқлаш методлари гуруҳи;

Е) Эътиқодни чуқурлаштириш методлари гуруҳи.

15. Талабалар билан мулоқотда ширинсуханлик, хушмуомалалик, мулойимлик ўқитувчиларнинг қандай сифатлари ҳисобланади?

- А) Коммуникатив;
- В) Индуктив, методларидан фойдалана олиш;
- С) Сухбатлашиш, тушунтириш одоби;
- Д) Бахсга кириша олиш одоби;
- Е) Дедуктив методларидан фойдалана олиш.

16. Кичик гуруҳларда ўқитиш методининг ўзига хос хусусиятларини

- А) Ўқитувчи янги мавзунини тушунтиради, сўнгра ўқувчиларнинг кичик гуруҳлардаги мустақил ишларни ташкил этади;
- В) Ўқув материалини ўрганиш гуруҳ ўртасида фикр алмашиш орқали амалга оширилади;
- С) Ўқув материали қисмларга ажратилиб, табақалашган ҳолда ўқитилади;
- Д) 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳлар ташкил этилиб, ўқув материалининг маълум қисми мустақил ўзлаштирилади;
- Е) Ўқитувчи ўткан янги мавзунини сурайдди, сўнгра ўқувчиларнинг кичик гуруҳлардаги мустақил ишларни ташкил этади.

17. Тестни ишонарлилигини таъминловчи омил қайси жавобда кўрсатилган?

- А) Тест саволига берилган жавоблар сонига;
- В) Топшириқларни турли хил мазмунда бўлишига;
- С) Тестларнинг умумий сони;
- Д) Топшириқларни осонлигига;
- Е) Топшириқларни қийинлигига.

18. Намунавий ўқув дастури мазмунига қўйиладиган талаблар:

- А) Фан, техника, технологияларнинг сўнги ютуқларини акс эттириши;
- В) Таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва изчилликни амалга ошириш;
- С) Оддийдан мураккабга ўтиш;
- Д) Барча жавоблар тўғри;
- Е) Хусусийдан умумийга ўтиш.

19. Рейтинг тизимининг вазифалари.

- А) Талаба билимини ҳаққоний, аниқ ва адолатли баҳолаш самарадорлигини аниқлаш;
- В) Талабани рағбатлантириш ёки жазолаш учун асос яратиш;
- С) Давлат таълим стандартларининг сифатини аниқлаш, ўқитиш самарадорлигини аниқлаш;
- Д) Барча жавоблар тўғри;
- Е) Баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш, талаба билимини мунтазам назорат қилиш.

20. Шароитга тез мослашиб, бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тез кўча оладиган темперамент типи қайси қаторда тўғри берилган?

- A) Флегматик;
- B) Холерик;
- C) Меланхолик;
- D) Сангвиник;
- E) Бадий.

21. Нерв тизимининг кучсиз, мувозанатсиз, сушт типи қайси темпераментга мос келади?

- A) Холерик;
- B) Флегматик;
- C) Сангвиник;
- D) Меланхолик;
- E) Фикрловчи.

22. Лотин сузи «Стандарт» англатади:

- A) Намуна, норма, ўлчаш;
- B) Асос, бошланғич;
- C) Йил, усул;
- D) Қобили, маъноси;
- E) Асос мазмун.

23. Педагогик жараённинг бирлиги бўлиб хисобланади:

- A) Педагогик масала;
- B) Педагогик вазият;
- C) Таълим олувчилар;
- D) Педагогик таълим;
- E) Мустақил иш.

24. Қўникма нима?

- A) Қўп маротаба қайтариш йўли билан автоматизмгача ётказилган ҳаракат;
- B) Аракатини бажаришни билиш;
- C) Ҳаракатини назарий бажариш;
- D) Ҳарокатини қайта бажариш;
- E) Ҳарокатини бажаришини кўриш.

25. Бошқариш жараёнининг даражаси бўйича қуйдаги иш ўйинлари ажратилади:

- A) Иммитацион, операцион ўйинлар;
- B) Вазиятли, комплекс ўйинлар;
- C) Ўқув, проектли, комплекс ўйинлар;
- D) Ўқув видеофильмлар;
- E) Комплекс ўйинлари.

26. Педагогик маниторинг - бу:

- A) Қандайдир объектлар ва педагогик воқеълик ходисаларни узоқ давомли кузатиш;
- B) Педагогик масалаларни амалга ошириш жараёни;
- C) Педагогик жараён-нинг ишлаш тизими;
- D) Педагогик жараённи хулосалаш;
- E) Педагогик воқеълик ходисаларни қисқа давомли кузатиш.

Глоссарий

1. **Дискуссия** - фикр алмашинувининг хамма шакллари
2. **Методик тавсиянома** – амалий (семинар) ва бошқа дарсларни кетма кетлик босқичларини ёзилиши
3. **Мустақил иш** – талабаларни репродуктив, продуктив фаолияти билимларини ўзлаштириш ва қўллаш мақсадида хар ҳил топшириқларни бажарилиши.
4. **ЭССЕ** - Авторнинг индивидуал позицияси ёрдамида эркин баён қилиш.
5. **Иш ўйинлари** - Профессинал фаолиятининг фан мазмунини тиклаш ва муносабатлар тизимини моделлаштириш шакли.
6. **Вазият масала** – маълум шароитларда топширилган мақсад.
7. **Кейс – стади** - Конкрет вазият, тўплам, ўқитиш.
8. **Гомеостаз** – организмни эркин ва мустақил ишини таъминловчи ички мухитнинг доимийлиги.
9. **Гомеокинез** – яшаш шароитлари ўзгарганда ички мухит параметрларини янги даражага ўзгариши.
10. **Функция** – бутун организмни ҳаёт фаолиятини таъминловчи хужайра ва тизимларнинг специфик фаолияти.
11. **Орган** – специфик функцияни бажарувчи алоҳида тўқималар комплекси шаклидаги организмнинг бир қисми.
12. **Физиологик тизим** – бу умумий ёки баъзан бир нечта функцияларни бажарувчи ирсий мустахкамланган тўқима ва органлар мажмуаси.
13. **Тирик организм** - бу атроф мухитда мақсадга интилган холда фаол харакатланувчи, мосланувчи, ўз-ўзини бошқарувчи, тикловчи ва яратувчи макромолекуляр тизим.
14. **Қўзғалувчанлик** – тирик хужарайранинг берилган таъсирларга қўзғалиш билан жавоб берилиши.
15. **Қўзғалиш** – қўзғалувчан тўқималарни берилган таъсирларга харакат потенциалини генерацияси билан жавоб бериш.
16. **Ўқув цикли** – мос илмий ёки касбий фаолият соҳасида билимлар ва амалий малакаларни ўзлаштириш ва компетенцияларни шакллантиришни таъминловчи таълим дастурларидаги фанларнинг бир қисми.